

Words Denoting the Category of Temperament in Uzbek

Abdullaeva Rohila¹

Annotation: This article provides a linguistic definition of the concept of temperament, which is a philosophical category, the differences between the linguistic units of character and temperament, the classification of units of temperament in the "Explanatory Dictionary of the Uzbek language."

Keywords: character, temperament, intellect, taste, intellect, classification.

Инсон ўзгалар томонидан севиб муҳокама қилинадиган, ўлмас мавзу. Ҳар доим жамиятда ўзгалар шахсиятига ёндашув мавжуд бўлади. Инсон – тирик, доимий ҳаракатдаги тизим². У ҳар доим физиологик, руҳий ўзгаришда бўлади, бу ўзгариш яхшиланиш ёки ёмонлашиш жараёнида бўлиши мумкин. Инсон тил ёрдамида ўзидаги руҳий ўзгаришларни, характери қўрсатади. Инсон характери тил ва хулқ орқали воқеланади. Инсон характери атрофдагилар томонидан муҳокама қилинганда, инсон таърифи учун қўлланиладиган сўзлар, асосан, сифат сўз туркумига мансуб бўлади. Инсон характери тушунчаси психология учун баҳсли саналгани сингари лингвистика учун ҳам баҳслидир, чунки психологияда инсон характери тушунчасининг чегаралари белгилаб олинмаган, ушбу чегарани лингвистикада лингвистик бирликлар асосида ҳам белгилаш қийин масала. Юқорида айтиб ўтганимиздек, тилда инсон характер-хусусиятини акс эттирувчи сўзлар билан қизиқиш, уни антропоцентрик парадигма соҳалари кесимида тадқиқ қилиш жараёни ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошланган. Характер ифодаловчи бирликлар лингвокультурологияси, семантикаси, грамматик хусусиятлари хусусида атрофлича фикр юритилган бўлсада, тилшуносликда характер атамасининг таърифини яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда, чунки психология ва адабиётшуносликда назарда тутилган характер ва лингвистик характер тўлиқ ўзаро мувофиқ эмас. Ўзбек тилида характер ифодалаш учун асосан сифат сўз туркумига мансуб сўзлар қўлланилади, лекин инсонни таърифлашда сифат сўз туркумининг ўзи билан кифояланишнинг иложи йўқ.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да келтириб ўтилган темперамент кўрсаткичли сўзлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда ушбу бирликларни характер ифодаловчи сўзлар гуруҳлари билан бир қаторда ҳавола қилиш ўринли деб билдик. Темперамент категорияси тадқиқи замонавий психологиянинг асосий мавзуларидан бири ҳисобланади. Темпераментга бўлган қизиқиш қадимги дунё тарихидан бошланган бўлиб, Гиппократ, Гален замонидаёқ турли назариялар асосида талқин қилина бошланган³. Темпераментга доир мулоҳазаларнинг деярли барчасида учрайдиган, темпераментнинг моҳиятини кўрсатувчи жиҳат – инсоннинг исталган фаолият турида муваффақият қозониши ва аксинча омадсизликка учрашига сабаб бўладиган хусусиятлар мажмуаси эканлигидандир. Худди шу таърифдан келиб чиққан ҳолда темперамент ва характерга мансуб бўлган хусусиятлар ҳақида кичик бир хулосани бериб ўтишимиз мумкин. Характер-хусусиятлари инсонларнинг жамиятда ҳукмрон бўлган одоб-ахлоқ нормаларига ва жамият аъзоларига бўлган муносабатини кўрсатади. Келтирилган ўринларда характернинг моҳияти намоён бўлади. Темперамент инсоннинг маълум бир фаолият жараёнида кўзга ташланадиган қирраси бўлиб, инсоннинг шахсий ўсиши учун ёрдам берадиган хусусиятларни ўз ичига олади. Масалан, инсоннинг ақл, дид, фаҳм-фаросат билан боғлиқ бўлган жиҳатлари темперамент кўрсаткичидир. Темперамент хусусиятлари ҳам характер-хусусиятлари сингари муносабат асосида воқеланади, характер сингари инсоннинг таърифида асосий кўрсаткичлардан бири сифатида келтирилади, бироқ темпераментнинг асоси инсон туғилиши биланок унда пайдо бўлиши билан изоҳланади⁴. Характер инсонда ижтимоий муҳит, социал мансублик ва бир қатор ташқи омиллар асосида пайдо бўлади, темперамент кўрсаткичлари инсонда туғилиши билан рўёбга чиқиб болалик чоғидан бошлаб намоён бўлади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, темперамент ҳам худди характер сингари динамик ҳолатда бўлади, ўсади ва кенгайди, бироқ характердан фарқли равишда мутлақо ўзгариб кетмайди. Инсонда характер ва темперамент белгиларининг ривожланиши ва барқарорлашиши учун энг аҳамиятли давр бу – болалик ва ўсмирлик давридир. Айни даврдаги тўғри муносабат, темперамент имкониятларининг намоён бўлишига, мўтадил характер-хусусияти устувор бўлишига сабаб бўлади. Темперамент ҳам характер сингари ташқи омиллар асосида яшайди. Ушбу жараённинг, муайян социал омилнинг таъсирини кўрсатган тадқиқотлар ҳам мавжуд. Масалан, рус олими В.М.Русалов социал йўналганлик ва эмоционаллик, Ж.Гилфорд, К.Лоуэлл социал мослашувчанлик, Р.Пломкин, Л.Тарстон социал аффилиция нуктаиназардан ёндашганлар,⁵ лекин ҳар доим ҳам инсоннинг социал муҳитдаги

¹ Senior Lecturer, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi, Doctor of Philosophy in Philology

² Rasulov R. Umumiy tilshunoslik. – T., 2007. – 112-b.

³ Ғозиев Э. Умумий психология. – Т.: Университет, 2002. – 94-б.

⁴ Ян Бинь. Этнопсихологические особенности темперамента и общительности у китайских и российских студентов: дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2004. – С.24.

⁵ Сальшкова М.В. Темперамент как музыкально-художественный феномен: Автореф. дисс. ... канд. культур. наук. – Саратов, 2008. – С.28.

ҳолати, жамият ахлоқ нормаларига бўлган муносабати унинг темпераментини намоён қилавермайди. Характер, темперамент, ахлоқ қоришиқ ҳолда яшаб, биргаликда мавжуд бўлсада, алоҳида ҳодисалардир.

Ўзбек мумтоз манбаларида, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”да⁶ (мазкур манбада характер тушунчаси мижоз сўзи орқали ифодаланган), Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”⁷ асарига характер, соғлиқ, нутқ, уйқунинг инсон мижозига боғлиқ эканлиги айтилган.

Замонавий психология илмида темпераментга ёндашувнинг икки кўриниши структур ва типологик ёндашув турлари мавжуд. Структур ёндашув вакиллари темпераментни тушунтиришда, белгилар мажмуасини асосий ўринга қўядилар. Структур ёндашувнинг йирик намоёндалари С.Л.Рубинштейн, Б.М.Теплов, В.Д.Небилицин, В.С.Мерлин, А.И. Крупнов, Я.Стерляю, М.Зиккермандин⁸. Типологик ёндашув вакиллари эса йўналиш номидан келиб чиққан ҳолда темпераментни турларга ажратган ҳолда, уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда номлаганлар. Бугунги тўрт темперамент айна типологик ёндашув вакилларининг хизмати дир. Темпераментга типологик ёндашувнинг икки кўриниши ажралиб туради, бироқ характер-хусусиятларининг муносабат доираси асосида қилинган таснифи ҳар жабҳада ўзини оқламагани сингари темпераментнинг типологик таснифи ҳам ўзини тўла-тўқис оқламайди.⁹ Темперамент шахсиятнинг шакллантирувчи ва инсонлараро муносабатда воқеланувчи ҳодиса. Темпераментнинг мулоқот жараёнида намоён бўладиган ҳолати – инсоннинг мулоқотга ва мулоқот мавзусига тез кириша олиши ва ёки аксинча мулоқот жараёнига киришиб кета олмаслиги, мулоқот жараёнида мутлақо тормозланиб қолиши каби ҳолатларда намоён бўлади. Киришимлилик характер-хусусиятидан кўра кўпроқ темперамент кўрсаткичига мос келади, бироқ инсонлараро мулоқот муҳитида инсон хусусида қилинган хулоса ҳар доим ҳам инсон ҳақида хулоса чиқариш учун етарли бўлмайди. Мулоқот жараёни вақт жиҳатидан чекланган ва унда инсон ўз темперамент хусусиятларини тўлиқ намоён қила олмайди. Исталган тилнинг характер-хусусиятини ифодаловчи бирликлари таҳлилга тортилганда кишининг билими, дунёқарashi ва фаҳм-фаросатини акс эттирувчи хусусиятлар ажралиб қолади. Кишининг ақлий қобилияти ва жамиятда мулоқот жараёнида намоён бўлувчи ақлий хусусиятлари инсоннинг характер-хусусиятлари доирасига киради, характер қирралари намоён бўладиган муносабатлар доирасида инсоннинг билим, фаҳм-фаросатига даража белгилаш билан баҳо берилади, бироқ ақлий кўрсаткичлар характер эмас, темперамент кўрсаткичидир. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидаги темперамент кўрсаткичли сўзлар мавжуд:

1 жадвал. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да темперамент кўраткичли сўзлар

Ақл билан боғлиқ (ижобий)	Фаросат билан боғлиқ (ижобий)	Дид билан боғлиқ (ижобий)
<i>Ақлли, зийрак, фаҳмли, ҳушёр, билгир, билгич, билимдон, билимдор, билимли, доно</i>	<i>Бетамиз, фаросатли</i>	<i>дидли</i>
Ақл билан боғлиқ (салбий)	Фаросат билан боғлиқ (салбий)	Дид билан боғлиқ (салбий)
<i>Ақлсиз, аҳмоқ, тентак, билимсиз, галварс, лакалов, меров, нодон, лодон, оми</i>	<i>Бетамиз, бефаросат, бефаҳм, калтафаҳм, камфаросат, камфаҳм, фаросатсиз</i>	<i>дидсиз</i>

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”ни текшириш баробарида йигирма беш та ақл тушунчаси билан боғлиқ, тўғридан-тўғри темперамент билан боғланган сўзлар аниқланди. Ушбу сўзларнинг тўққизтаси ижобий, ўн олтитаси салбий маънога эга. Сўзлар шакл ва маъно муносабатига кўра синонимлик ва антонимлик ҳосил қилади. Айрим сўзлар, масалан, *оми* сўзи нейтрал характерда бўлиб, сўзнинг ижобий ёки салбий маънода қўлланилаётганлигини нутқий вазият ҳал қилади, чунки *оми* сўзида билмаслик маъноси бўлсада, салбий бўёқ мавжуд эмас. Қолган барча сўзларда ижобий ёки салбий бўёқдорлик мавжуд.

Инсондаги ақл, фаросат билан боғлиқ бўлган хусусиятларни образли тарзда акс эттириш кўникмаси мавжуд. Бунда фразеологик бирликлардан фойдаланиш кўникмаси муҳим аҳамиятга эга. Масалан:

“– Кўнгли яримта бўлса, **мияси ҳам яримтами?** Уйингни ўғри босса, ўғлингни сандиққа солиб қўйиб, қўшинини чақирмайсан. Ҳаммининг боласи ўзига азиз.” (ақлсиз) (Қаҳҳор А. Анор. Ҳикоялар тўплами. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижобий уйи. – 95 б.)

Мия сўзи соматик бирлик. Сўз алоҳида қўлланилганда ҳам, коннотатив нуқтаиназардан ақл тушунчаси билан боғланади ва ўзбек тилида бу фикрни асословчи кўплаб мисоллар мавжуд: *мияси бутун, мияли, миясини қурт еган, товуқ мия ва ҳ.к.* Келтирилган мисолда *мия* сўзи ярим сўзи билан бирикиб, ақлнинг кам миқдорда бўлишини

⁶ Ибн Сино Абу Али. Тиб қонунлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1983. –13-б.

⁷ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик. – Т.: Чўлпон номидаги халқ мероси нашриёти, 2007. – 18-б.

⁸ Власова Л.А. Темперамент и его проявления в лингвистических характеристиках и психологических компонентах речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2007. – С. 28.

⁹ Королёва Е.В. Нестандартные коммуникативные ситуация с участием представителей разных психологических типов темперамента (на материале судебной речи): Автореф. дисс. ... канд. псих. наук. – М., 2004. – С. 24.

ифодалаган. Гапнинг риторик сўроқ тарзида шакллантирилиши фикрда ақлсизлик хусусиятига таъкид, тасдиқ маъноларини юклаган.

“*Отам сигирнинг серсут ёки камсутлигини маърашидан билар эди*”. (ақлли) (Қаҳҳор А. Анор. Ҳикоялар тўплами. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. – 169-б.)

Иборада бевосита ақл сўзи билан боғланадиган сўз ёки сўз бирикмаси қўлланилмаган, бироқ инсон сезги аъзолари орқали қабул қилинадиган сигирнинг маъраши унга алоқасиз белги серсутлик билан боғланиши ва бу боғлиқликни маъраш орқали қабул қила билиш реал воқеликда юз бериши мумкин бўлмаган ҳолат. Реал воқеликда содир бўлиши мумкин бўлмаган ҳолат орқали инсонда мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган муболағали уддабуронлик акс эттирилган.

Мазкур фразеологик бирликлар тингловчига ахборот беришдан ташқари енгил кулгу, эстетик завқ бағишлайди.

Инсоннинг ақлий кўрсаткичини ўхшатиш, образли тарзда акс эттириш кўникмаси қадим замонлардан мавжуд. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарида ҳам ушбу жиҳат яққол кўзга ташланади.

Инсондаги дид, ақл, фаҳм-фаросатни ифодаловчи сўзлар унинг темпераментини акс эттиради¹⁰. Характер бу темперамент эмас, балки ундан келиб чиқадиган, нисбатан ўзгарувчан белгилардир. Жаҳлдорлик, серғайратлик, изланувчанлик, қизиққонлик, ўзини тута олмаслик, кек саклаш характери холерик темпераментли шахсларда кузатилади. Ҳазилкашлик, қувноқлик, тиришқоқлик, яратувчилик, эътиборсизлик, ваъдада турмаслик белгилари сангвиник темпераментдаги шахсларда учрайди. Флегматиклар вазмин, сабр-тоқатли, тортинчок, жимликни хуш кўриш, вазифани сидқидилдан бажариш характер-хусусиятига эга бўладилар. Тортинчоклик, таъсирчанлик, кучсизлик, тиришқоқлик, камгаплик, ёлғизликни хуш кўриш белгилари меланхоликларга хосдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Rasulov R. Umumiy tilshunoslik. – Т., 2007. – 112-б.
2. Ғозиев Э. Умумий психология. – Т.: Университет, 2002. – 94-б.
3. Ян Бинь. Этнопсихологические особенности темперамента и общительности у китайских и российских студентов: дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2004. – С.24.
4. Сальшкова М.В. Темперамент как музыкально-художественный феномен: Автореф. дисс. ... канд. культур. наук. – Саратов, 2008. – С.28.
5. Ибн Сино Абу Али. Тиб қонунлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1983. –13-б.
6. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билик. – Т.: Чўлпон номидаги халқ мероси нашриёти, 2007. – 18-б.
7. Власова Л.А. Темперамент и его проявления в лингвистических характеристиках и психологических компонентах речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2007. – С. 28.
8. Королёва Е.В. Нестандартные коммуникативные ситуация с участием представителей разных психологических типов темперамента (на материале судебной речи): Автореф. дисс. ... канд. псих. наук. – М., 2004. – С. 24.
9. Ломтатидзе О.В. Влияние особенностей темперамента на формирование симпатий и антипатий у девушек: Дисс. канд. псих. филол. наук. Уральский государственный профессионально-педагогический университет, 2008. – С. 2-3.

¹⁰ Ломтатидзе О.В. Влияние особенностей темперамента на формирование симпатий и антипатий у девушек: Дисс. канд. псих. филол. наук. Уральский государственный профессионально-педагогический университет, 2008. – С. 2-3.